

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЛЛАНАЗАРОВА ШОЛПАН АРТИКБАЕВНА

**ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДИДАКТИК ВАЗИЯТЛАРДА
ЎҚУВЧИЛАРНИ БАҲС-МУНОЗАРАГА УНДАШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Алланазарова Шолпан Артикбаевна Шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс- мунозарага ундаш механизмлари.....	3
Алланазарова Шолпан Артикбаевна Механизмы побуждения учащихся к дискуссиям в лично- ориентированных дидактических ситуациях.....	25
Allanazarova Sholpan Artikbaevna Mechanisms of inspiring students to discussion in individually didactic situations.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЛЛАНАЗАРОВА ШОЛПАН АРТИКБАЕВНА

**ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДИДАКТИК ВАЗИЯТЛАРДА
ЎҚУВЧИЛАРНИ БАҲС-МУНОЗАРАГА УНДАШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.Phd/Ped535 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юзликаев Фарит Рафаилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Пазылов Арзы Кенжебаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» 03 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» 03 кун тарқатилди.
(2021 йил «6» 03 да 16 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ўқувчи-ёшларни баҳс-мунозарага ундаш, уларнинг эркин фикрлашларига эришиш ва турли вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатишнинг самарали воситаси сифатида ўз-ўзини англаш, ўз шахсиятига нисбатан ҳурмат ҳиссини таркиб топтириш, муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва таҳлил қилишга ўргатиш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларнинг ўқувчилар шахсий тажрибасини бойитишига эришиш муҳим ўрин эгалламоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 йил 25 сентябрдаги 70-Бош Ассамблеяси сессиясида қабул қилинган 2016–2030 йилларга мўлжалланган “Барқарор ривожланиш мақсадлари”нинг ҳам асосий йўналиши сифатида ўқувчиларда мустақил фикрлашни таркиб топтириш орқали ижтимоий интеллектни ривожлантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Дунёда ўқувчиларда ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган инсонпарвар дунёқараш ва нуқтаи назарни шакллантиришда мактаб ва ижтимоий институтларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларда мустақил ҳамда танқидий фикр баён қилиш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, уларда танқидий тафаккурни қарор топтиришнинг илғор технологияларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларнинг илмий ҳақиқатни излашга йўналтирилган ўқув фаолиятини амалга ошириш тизимини ишлаб чиқиш, уларда баҳс-мунозарага киришиш эҳтиёжини вужудга келтирувчи педагогик вазиятларни яратиш, ўқув фанларини ўзлаштиришга рағбат уйғотиш ва шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда муаммоларга ечим топадиган, ўз нуқтаи назарини баён қиладиган, синфдошлари билан ишчан мулоқотга кириша оладиган, илмий ечимларни излашга қодир, мустақил фикрлай оладиган ва муҳим хулосалар чиқара оладиган ўқувчи-ёшларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратишга ва пировардида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларнинг тизимли ва изчил характерга эга бўлишига ҳамда халқаро баҳолаш тизимини жорий этишда юқори натижаларга эришишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»¹ каби муҳим вазифалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

белгиланган. Бу эса шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларнинг мустақил ва танқидий фикрлаш фаоллигини ошириш, уларда баҳс-мунозарага киришиш кўникмаларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон, 2018 йил 25 январдаги, “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республика олимларидан У.Алеуов, Б.Р.Адизов, Ж.Базарбаев, Д.Ғ.Дилова, М.Х.Махмудов, Б.Б.Маъмуров, З.Нишонова, Р.Ғ.Сафарова, Х.М.Тожибоева, Н.Т.Тошева, Б.Х.Ходжаев, Ф.О.Ходжиева, З.А.Холматовалар ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришда мустақил ҳамда танқидий фикр баён қилиш, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари, психолог олимлар М.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, Р.Суннатова ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантиришнинг психологик механизмларини тадқиқ қилишган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Л.И.Аманбаева, А.В.Брушлинский, В.В.Бурякова, В.К.Дьяченко, И.О.Загашев ва С.И.Заир-Бек, В.В.Зайцев, И.А.Ильницкая, М.Е.Кузнецов, А.А.Плигин, В.А.Шамис, И.С.Якиманская кабиларнинг тадқиқотларида шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, баҳс-мунозара жараёнида ўқувчиларни кенг ақлий имкониятга эга бўлган баркамол шахс сифатида шакллантириш масалалари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлар Р.Ван Хувейк, К.С.Мереди, Дж.Л.Стил, Ч.Темпл, Эдвард де Боно, Жан Пиаже ўқувчиларда ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган инсонпарвар дунёқараш ва танқидий тафаккур, объектив нуқтаи назарни шакллантиришнинг диагностик тизимини баён этишган.

Бироқ, бевосита шахсга йўналтирилган дидактик тизимда ўқувчиларнинг мустақил ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган баҳс-мунозарага алоқадор масалалар мазмуни, тузилмаси, мезонлари, ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик жараён модели махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса шахсга йўналтирилган дидактик тизимда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик масалаларни такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзПФИТИ илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, илмий-методик, фалсафий адабиётлар, назарий манбаларни ўрганиш асосида ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундовчи дидактик вазиятларни ташкил этиш – ижтимоий-педагогик зарурият эканлигини назарий-эмпирик жиҳатдан асослаш;

таълим жараёнида баҳс-мунозара вазиятларини яратишнинг дидактик хусусиятлари ва педагогик-психологик жиҳатларини аниқлаш;

баҳс-мунозарага йўналтирилган дидактик вазиятларнинг таркиби ва мазмунини танлаш принциплари, баҳс-мунозара вазиятларида қўлланиладиган воситалар, усуллар ва методларни саралаш;

шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш жараёни самарадорлигини аниқлашга оид тажриба-синов тадқиқотлари натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган дидактик жараён белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Хоразм вилояти умумий ўрта таълим мактабларининг 399 нафар респондент-ўқувчилари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган дидактик жараён мазмуни, принциплари, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи ижтимоий сўров, анкета, суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, аналитик обзор, таҳлил, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

баҳс-мунозара вазиятларининг таркиби, мазмуни ва ўқувчиларда баҳс-мунозарага киришиш кўникмаларини ривожлантириш жараёни тузилмаси ҳамкорлик, субъективлик, ўзаро ҳурмат, қизиқиш ва эҳтиёжларни инобатга олиш, индивидуал ёндашув, эркин танлов принциплари асосида аниқлаштирилган;

шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларнинг баҳс-мунозарага киришувчанлик даражасини ифодаловчи индикатор кўрсаткичлари коммуникатив, ўзини ўзи ривожлантириш, фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнида билимларни интеграциялаш ва ғояларни генерациялаш имкониятларини кенгайтириш асосида аниқланган;

ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган дидактик вазиятларга таъсир этувчи субъектлар фаолиятининг изчиллиги ва узвийлигини таъминлаш механизми “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи” муносабатларини демократлаштириш асосида синергетик педагогика имкониятларидан фойдаланиш ва педагогнинг фасилитаторлик функциясини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик жараён модели дидактик вазиятларнинг ўзига хос педагогик-психологик хусусиятлари ва йўналишларини белгилаш натижасида ўқув мунозараси вазиятларида амал қилиниши лозим бўлган тартиб қоидаларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган: таълим жараёнида баҳс-мунозара вазиятларини яратишнинг дидактик хусусиятлари ва педагогик-психологик йўналишлари ҳамда шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларнинг баҳс-мунозарага киришувчанлик даражасини ифодаловчи индикаторлар таркиби аниқланган;

баҳс-мунозарага йўналтирилган дидактик вазиятларнинг таркиби ва мазмунини танлаш принциплари, баҳс-мунозара вазиятларида қўлланиладиган воситалар, усуллар ва методлар белгиланган;

ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик жараён модели ҳамда тадқиқотга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

мактаб педагогик амалиёти учун “Умумий ўрта таълим жарёнида баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш методикаси” номли методик қўлланма яратилиб амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва методларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар ёрдамида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш жараёни билан боғлиқ “мунозара”, “баҳс-мунозара”, “объектив нуқтаи назар”, “дидактик вазиятлар” тушунчаларининг мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги, ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш омиллари ва ёндашувларнинг аниқланганлиги;

шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга доир педагогик тамойилларнинг (ҳамкорлик, субъективлик, ўзаро ҳурмат, қизиқиш ва эҳтиёжларни инобатга олиш, индивидуал ёндашув, эркин танлов) илмий асосланганлиги, ўқувчиларни баҳс-мунозарага киришувчанлик даражасини ифодаловчи индикаторларнинг таркиби, мезонлари, кўрсаткичлар ва педагогик шарт-шароитларининг илмий-назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик жараён доирасида ҳал этилиши лозим бўлган дидактик вазифаларнинг ишлаб чиқилганлиги (ўқувчиларда майлларни кўзғатувчанлик, уларни ўзаро мулоқотга киришишга ундовчилик вазифаси, ўқувчиларни фаоллаштирувчилик вазифаси, ўқувчиларнинг динамик тараққиётини таъминловчилик вазифаси, ўқувчиларни мустақил, танқидий фикрлашга ундовчилик вазифаси) ва улардан фойдаланиш амалиётининг кўрсатиб берилганлиги, ўқув фанларига оид турли дарс ишланмаларининг яратилганлиги ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчилари учун ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик жараён модели ва дидактик тизимининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

баҳс-мунозара вазиятларининг таркиби ва мазмунини танлашнинг устувор принципларини аниқлаш, ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган дидактик вазиятларнинг ўзига хос педагогик-психологик хусусиятлари ва йўналишларини белгилашга доир таклиф ва тавсияларидан бўлажак педагог ва психологлар учун “Uliwma psixologiya” номли ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 август 603-сон буйруғи, гувоҳнома № 603-046). Натижада шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларни шакллантириш ва ўқувчиларда баҳс-мунозарага киришишига доир педагогик ва психологик кўникмаларининг ривожланишига эришилган;

шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага киришувчанлик даражасини аниқлашга ва ўқувчиларда коммуникатив, ўзини ўзи ривожлантириш, фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларни шакллантиришга доир таклиф ва тавсиялардан ФЗ-2016-0909111822 рақамли “Дарсликлар ва ўқув

адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият” га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 02-02/4-1493-сон маълумотномаси). Натижада шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларнинг баҳс-мунозарага киришиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга доир ўқув фаолияти натижаларини аниқлашга эришилган;

ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган дидактик вазиятларга таъсир этувчи субъектлар фаолиятининг изчиллиги ҳамда узвийлигини таъминлашга доир таклиф ва тавсиялардан Ф1-ХТ-0-92997 рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” (2014-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 9 декабрь 02-02/4-1493-сон, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 2020 йил 5 декабрь 07-04/0-12/2072-сон маълумотномалари).

Натижада дидактик вазиятларни яратувчи субъектларнинг фаолиятини изчил ва узвий ташкил этиш, баҳс-мунозаралар натижасида ўқувчиларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларга бўлган қизиқишларини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 154 саҳифа, матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундовчи дидактик вазиятларни ташкил этишнинг назарий-амалий асослари**” номли биринчи

бобида ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундовчи дидактик вазиятларни ташкил этиш – ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган ва таълим жараёнида баҳс-мунозара вазиятларини яратишнинг дидактик хусусиятлари ёритилган.

Баҳс-мунозарага киришиш бирор масалани тўғри ҳал қилиш учун дарсда ўтказиладиган эркин, оммавий муҳокама, мунозарадир. Ўқув мунозараси машғулот жараёнида ўқувчиларнинг бирор мавзу бўйича қўйилган муаммони ҳал қилиш учун эркин муҳокама, мунозарасини ифодалайди. Анъанага кўра “мунозара” тушунчаси остида барча шакллардаги фикр алмашилиш тушунилади. Ўқитишнинг бундай усули ўқувчиларнинг кичик гуруҳларида аниқ муаммо бўйича ўқув, гуруҳли мунозаралар ўтказишдан иборат. Ўқув мунозараси бошқа турдаги мунозаралар ва мулоқот жараёнидан шу билан фарқ қиладики, унда қўйилган муаммоларнинг янгилиги, ўқувчилар гуруҳигагина тегишли бўлади, улар олдида қўйилган муаммонинг ечимини топиш вазифаси туради. Ўқув мунозарасининг мақсади фанда маълум бўлган, лекин ўқувчиларга янги билимларни ўзлаштириш учун зарур ҳисобланган изланиш жараёнидир.

Маълумки, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини бошқариш жараёни кўп қирралидир. Жумладан: 1. Баҳс-мунозарага киришишга оид кўникмаларни ҳосил қилиш учун ўқитувчи ўқувчилар орасида ўзаро хайрихоҳлик, ҳамжиҳатлик муҳитини яратиши лозим. Ўқув мунозараси ўқитувчи томонидан бошқарилиб, у ўқувчиларни ўзаро фикр алмашилишга ундайди. 2. Баҳс-мунозарага киришиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг илмий ҳақиқатни излашга йўналтирилган ўқув фаолиятларини бошқариши лозим. Гуруҳли баҳс-мунозарага киришиш мураккаб маълумотларни ўрганиш ва ўзлаштириш, керакли йўл-йўриқларни аниқлашда самаралидир. Ўқитишнинг бундай усули ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларнинг татбиқ этилиши, мустаҳкамланиши, ўқувчининг шахсий тажрибасига кириши ва турли ўқув фанларини ўзлаштиришда қўлланиши учун қулай вазият яратади.

Баҳс-мунозарага киришиш давомида маълумотларни чуқур ўзлаштириш омиллари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: ҳар бир ўқувчини муҳокама давомида бошқа иштирокчилардаги мавжуд маълумотлар билан таништириш; муҳокама қилинаётган муаммо, ҳодиса ҳақида турли-туман, бир-бирини такрорламайдиган фикрлар ва таҳминларни баён қилишга шароит яратиш; баён этилаётган фикрлардан исталганини танқид қилиш ва инкор қилиш (ёки фикрга қўшилиш) имкониятининг мавжудлиги; ўқувчиларни умумий фикр ёки қарор кўринишидаги гуруҳли келишувни излашга ундаш кабилар.

Ўқитувчи баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш учун методик ишланмаларни тайёрлашда турли манбалардан фойдаланиши мумкин. Жумладан: ўқув-методик адабиётлар ва маълумотномалар, таниқли ўзбек ёзувчилари ва олимларининг ишлари, оммавий ахборот воситаларининг материаллари, турли ҳужжатли фильмлар, альбомлар, кўргазмали воситалар, музей экспонатлари ва ҳ.к.

Мунозара мавзулари ўқув мақсадлари билан боғлиқ ҳолда турли-туман бўлади. Масалан: ўқувчиларга одоб-ахлоқ меъёрларини ўргатиш, таълим

олувчиларда мулоқот компетенцияларини шакллантириш; ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалтириш; таълим оловчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятларини ривожлантириш; танқидий тафаккурни қарор топтириш; ўқувчиларни ижодий фаолликка ундаш; ўқувчиларга санъат ва адабиётнинг шахс маънавиятини кенгайтиришдаги имкониятларини англашиш; фан, техника ва спортга қизиқтириш; ўқувчиларни ҳамкорликка ундаш; ўқувчиларда шахслараро ижобий муносабатларга киришиш кўникмаларини шакллантириш; ўқувчиларда миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга қизиқиш уйғотиш; ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитет ҳосил қилиш каби кўплаб мақсадларга эришиш назарда тутилади.

Баҳс-мунозара, айниқса, 5-9-синф ўқувчилари учун зарурдир. Унинг асосий вазифаси ўқувчиларда муаммоларнинг ечимини топиш, ўз нуқтаи назарини баён қилиш, синфдошлари билан ишчан мулоқотга киришиш, илмий ечимларни излаш, синфдошларнинг фикрлари билан ҳисоблашиш, мустақил ҳамда танқидий фикр баён қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда баҳс-мунозарага киришиш кўникмасини шакллантириш муаммосининг ечими қуйидагиларни амалга оширишни таъминлайди. Чунончи: жамиятнинг ҳамкорлик қилишга тайёр, ўзининг аниқ нуқтаи назарига эга бўлган изланувчи шахсларга бўлган эҳтиёжини қондириш; ўқувчиларни мустақиллик, фаолликка ундаш имкониятларини кенгайтириш; таълим амалиётида шахслараро мулоқот ва ўқув мунозарасини ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш кабилар.

Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчининг шахсий фикри етакчи ўрин эгаллайди. Унда ҳар бир ўқувчининг шахсияти ва таянадиган қадриятлари ўз ифодасини топади. Чунки ўқувчининг фикрларида унинг нуқтаи назари, ҳаётий қарашлари акс этади.

Ўқувчининг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашиш, уни ҳурмат қилиш таълим жараёнига инсонпарварона ёндашувнинг асосий белгисидир.

Баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этишда психологик-педагогик омилларга таяниш натижасида ўқувчиларнинг онги, ташқи оламга муносабати, хулқ-атвори ривожланади. Ўқувчининг ўзига хос шахс сифатида шаклланиш жараёни ва фаолияти жадаллашади, ўзини ижтимоий-маданий жиҳатдан субъект сифатида намоён қилиш имконияти кенгайди.

Шу тариқа баҳс-мунозара вазиятига кириша олиш кўникмасининг учта ўзаро уйғун жиҳатини аниқлаш мумкин.

1) Баҳс-мунозара вазиятига кириша олишнинг қуйи даражаси, бу иштирокчиларнинг ҳиссиётлари билан белгиланади. Ўқувчилар баҳс-мунозара вазиятларига кириша олишларининг қуйи яъни ҳиссий даражасига эга бўлганларида ўз ҳиссиётларини назорат қила олмайдилар ва баҳс-мунозарага берилиб кетадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари жўшқин бўлади. Фикрлари ва хулқ-атворлари вазиятга қараб ўзгариб туради. Уларнинг фикрлари, чиқарган ҳукмлари кўпинча барқарор бўлмайди. Бундай ўқувчилар ўзларининг муваффақиятсизликларига атрофдагилар

айбдор деб ҳисоблайдилар. Ўз камчиликларини тан олишни истамайдилар. Уларда ўзларидан қоникмаслик, фикрий беқарорлик, ўқишга қизикмаслик ҳолатлари устувор бўлади. Бундай ўқувчиларнинг билимлари тизимли ва изчил характерга эга эмас. Уларнинг фаолияти кундалик турмуш билан кўпинча боғланмаган бўлади. Бундай ўқувчилар фикрий жараёнларни тўлиқ таҳлил қилиш, улар орасидаги мантиқий алоқадорликни англашни хоҳламайдилар. Уларнинг ақлий фаолияти қандайдир таъсир ёрдамида фаоллашади. Кўпгина ўқувчилар ўзларининг қизиқувчанликлари ва муҳокама қилинаётган муаммонинг ечимини топишга интилишлари билан ажралиб турадилар. Бундай ҳолларда ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини муҳокама қилинаётган муаммога йўналтириши, барқарор хулосалар чиқаришга ундаши лозим. Ўқув мунозараси жараёнида ўқувчиларнинг фикрлари жуда қисқа муддат давомида марказлашади.

2) Мунозара вазиятларига киришишда ўртача даражадаги кўникмаларга эга бўлган ўқувчилар иккинчи гуруҳни ташкил этадилар. Улар ўз ҳиссиётларини бошқаришга бир қадар қодир бўладилар. Ўзларига бўлиб берилган ролларни сидқидиллик билан бажаришга ҳаракат қиладилар. Уларда ҳиссий барқарорлик кучаяди. Мунозара вазиятларида ўқувчилар ўз гуруҳдошларига нисбатан ҳамжихатлик, ҳамдардлик туйғусини ҳис қиладилар ва улар билан дўстона мулоқотга киришадилар. Улар мунозара жараёнида вужудга келган вазият билан боғлиқ ҳолда мослашадилар. Улар ўз фикрларига тўлиқ ишонч ҳосил қилмайдилар. Бундай ўқувчиларга мунтазам равишда ўқитувчининг назорати, қўллаб-қувватлови, ёрдами зарурдир.

3) Баҳс-мунозара вазиятларига кириша олиш кўникмасининг юқори даражаси қуйидагиларда намоён бўлади. Бу даража ўзида фикрий қадриятли ёндашувларни мужассамлаштиради, мазкур тоифадаги ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳукмлари чуқур ўйланганлиги билан эътиборга моликдир. Уларда пайдо бўлаётган ҳиссиётлар муайян мазмунга эгалиги ва чуқур анланганлиги билан аҳамиятлидир. Уларнинг ҳиссий ҳолатларида барқарорлик ортиб боради. Бундай ўқувчилар гуруҳ аъзолари билан осонгина тил топиша оладилар. Уларнинг юқори даражада интеллектуал ривожланганлиги туфайли, турли муаммоларнинг муҳокамаси енгил кечади. Улар нафақат муҳокаманинг турли усул ва воситаларини енгил ўзлаштира оладилар, балки ўзлари ҳам янги усулларни ишлаб чиқиб мунозара вазиятининг самарали кечишини таъминлайдилар. Бундай ўқувчилар мунозара натижаларини башорат қила оладилар. Улар баҳс-мунозара вазиятларига ҳар томонлама чуқур қизиқиш билан киришадилар. Мазкур вазиятлар улар учун фикр алмашиниш, ўзлигини намоён қилиш ва ғояларини оммалаштириш воситасидир. Баҳс-мунозара вазиятларида ўқувчилар ҳиссий, ижодий эркинликка эришадилар. Фаол ахборот алмашиниш имкониятига эга бўладилар. Бу жараёнда синфдошларининг ўзаро таъсири, уларнинг хулқ-атворини ижобий жиҳатдан ўзгартиришга кўмаклашади. Баҳс-мунозара вазиятларида кузатувчанлик шерикларининг

хаёллари, кайфиятларини ҳис этиш имконини беради. Мазкур вазиятда ўқувчиларнинг ҳаётий принциплари таркиб топади.

Баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш ўқувчиларни ақлий ривожланишга ундайди. Шунга кўра, баҳс-мунозара жараёнини ташкил этиш қуйидагиларни тақозо этади: вербал мулоқот воситасида ўз қарашларини баён қилиш; муайян ҳодисаларни мустақил ўрганиш ва синфдошлари билан биргаликда муҳокама қилиш; баҳс-мунозара жараёнларида ўқувчиларга ўқитувчи томонидан зарур маслаҳатлар бериш; муҳокамалар жараёнида ўқувчиларга муаммоларнинг ечимларини топиш зарурлигини аниқлаш кабилар.

Баҳс-мунозара вазиятларида муҳокама предмети аниқ намоён бўлиши керак. Баҳс-мунозара вазиятларини вужудга келтиришда ўқитувчилар қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари лозим. Жумладан:

1. Баҳс-мунозара вазиятлари таълим мақсадини амалга ошириш учун ўқитувчи томонидан махсус лойиҳалаштирилади ва ташкил этилади. Ўқув жараёни мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ташкил этиладиган баҳс-мунозара вазиятларига методик ишлов беради. Бунинг учун у ўқув вазиятида амалга ошириладиган муҳокама жараёнини аниқ мақсадга йўналтириши, ижодий муҳитни вужудга келтириши ва бошқариши лозим.

2. Баҳс-мунозара вазиятлари муайян ўқув курси ёки ўқув предмети мазмунидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши керак. Мазкур ўқув вазиятларида ўқувчиларда аниқ ўқув материаллари ёрдамида илмий дунёқараш ва муайян кўникмалар шакллантирилади, уларнинг билиш фаолиятлари кенгайтирилади.

3. Баҳс-мунозара вазиятлари турли-туман мазмунга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг барчаси ўқувчиларда аниқ ахборотларни таҳлил қилиш, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш, асосий муаммоларни ажрата олиш кўникмаларини шакллантириши талаб қилинади.

Ўқитувчи муайян ўқув мақсадини амалга оширишга йўналтирилган баҳс-мунозара вазиятларини вужудга келтиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир: баҳс-мунозара вазиятларида ўқувчилар олдига аниқ ечимни талаб қиладиган топшириқлар қўйиш; ўқувчилар олдига ечимга кўмаклашадиган қўшимча ахборотлар излашни талаб қиладиган муаммоларни қўйиш; баҳс-мунозара вазиятларини давом эттириш имконини берадиган долзарб муаммоларга ечим топишга ўқувчиларни ундаш; ўқувчилар олдига муаммолар қўйиш учун қулай бўлган типик вазиятларни ташкил этиш кабилар.

Баҳс-мунозара вазиятларини ўқув жараёни характери билан боғлиқ ҳолда унга катта гуруҳга бўлиш мумкин: а) кўргазмали характердаги баҳс-мунозара вазиятлари; б) таҳлилий, мулоҳаза юритишга ундовчи баҳс-мунозара вазиятлари; в) қарорлар қабул қилишга ундовчи баҳс-мунозара вазиятлари.

Баҳс-мунозара вазиятлари қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади: баҳс-мунозара учун ўртага ташланган муаммонинг барча ўқувчиларга аниқлиги ва қизиқарлилиги; ўзаро бир-бирини тушунишга асосланган суҳбатдошларнинг мавжудлиги; фикрларни эркин баён қилиш имкониятининг яратилганлиги; тескари алоқанинг амалга оширилиши; синфдаги ўқувчилар

билан ўқитувчи, ўқувчилар билан ўқувчилар, ўқувчи билан ўқувчи орасидаги субъект-субъектга асосланган ўзаро муносабатларнинг мавжудлиги кабилар.

Синфдаги барча ўқувчилар орасида ташкил этиладиган баҳс-мунозара вазиятларининг ўзига хос характери қўйидагиларда намоён бўлади: ўқувчиларга муайян мавзу ҳақида маълумот бериш; ўқувчилар олдига ўқув топшириқлари қўйиш; ўқув вазифаларини ечиш жараёнида биргаликда изланиш; жараён иштирокчиларининг турли-туман нуқтаи назарларини тинглаш; суҳбатдошларининг фикрларига тузатишлар киритиш; биргаликда якуний ечимга эришиш; вужудга келган фикрлар ва нуқтаи назарларни умумлаштириш кабилар.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда баҳс-мунозарага йўналтирилган дидактик вазиятларни ташкил этишнинг педагогик-психологик йўналишлари таҳлил қилинган. Баҳс-мунозарага йўналтирилган дидактик вазиятларнинг таркиби ва мазмунини танлаш принциплари, баҳс-мунозара вазиятларида қўлланиладиган воситалар, усуллар ва методлар ёритиб берилган.

Барча педагогик вазиятлар каби ўқув мунозараси ҳам бир қатор дидактик вазифаларни бажаради. Чунончи: ўқувчиларда майлларни қўзғатувчилик, уларни ўзаро мулоқотга киришишга ундовчилик вазифаси - ўқувчиларни ўз олдиларига қўйилган мақсадни аниқ англаш ва амалга ошириш учун қулай вазиятларни вужудга келтиришга хизмат қилади; ўқувчиларни фаоллаштирувчилик вазифаси – мазкур вазифа уларни ривожланиш сари йўналтиради; ўқувчиларни мустақил, танқидий фикрлашга ундовчилик вазифаси – ушбу вазифа ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган вазиятларни баҳолаш, уларнинг моҳиятини очиш, фикрлаш ҳамда ижодий фаолият кўрсатишга йўналтиришдан иборат; ўқувчиларнинг динамик тараққиётини таъминловчилик вазифаси – мазкур вазифа ўқувчиларнинг тадрижий тарзда ривожланиш маромини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув мунозарасини ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни намоён қилувчи вазиятлардан бири сифатида баҳолаш, унинг ички ташкилий жиҳатлари ва сифатини белгилаш имконини беради. Ўқув мунозарасининг ички ривожланиши унинг босқичларини тавсифлашга асос бўлади. Улар: ўқувчиларни ўқув предметларининг мазмун-моҳиятини биргаликда англашга йўналтириш; мунозара вазиятлари субъектларининг қизиқишлари доирасини аниқлаш ва чегаралаш; қўйилган муаммоларни ўқувчиларнинг қизиқишлари, атроф-муҳитдаги воқелик ва ҳаётий вазиятлар билан уйғунликда талқин этиш; ўқувчилар ўзлаштирган билимларини ўз синфдошлари билан биргаликда ўзаро муносабатлар доирасида қўллай олишларига эришиш; ўқувчиларнинг ўз фикрлари моҳиятини тушуниш ва уни асослашлари орқали ўзликни англашлари, намоён этишларига кўмаклашиш кабилар.

Мунозара вазиятларида ўқувчиларнинг ўз синфдошларига мурожаат қилишлари ўзаро муносабатлар нуқтаи назаридан алоҳида педагогик аҳамиятга

эга. Бунда: ўқувчилар ўзаро ижобий муносабатларнинг ташаббускорлари сифатида намоён бўладилар; улар ўзаро мулоқот жараёнининг субъектлари сифатида фаолият кўрсатадилар; ўқувчилар ўзаро муносабатда фаол ёки суст мулоқотдошлар сифатида намоён бўладилар.


Мунозара вазиятларида ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар шакллантирилади: иш кўламига кўра ўқув топшириқларини муайян изчиллик асосида тақсимлаш; турли вариантлардаги ўқув вазифалари ечимининг тўғри ёки нотўғрилигини баҳолаш, хатоларини кўрсатиб бера олиш; шерикларига кўмаклашиш, улар билан ўзаро ишчан муносабатга киришиш кабилар.

Баҳс-мунозара вазиятларида гуруҳ аъзолари бир қатор вазифаларни бажарадилар. Улар: ўқувчиларда ишонч ҳосил қиладиган махсус маълумотлар ва ахборотларни қайта ишлаш; ўз нуқтаи назарларини аниқ далиллар ёрдамида тақдим этиш; муаммони ечишга имкон берадиган ёндашувлар ва нуқтаи назарларни танлаш; ўқувчиларнинг онгли танловини ифодаловчи ёндашув ва нуқтаи назарларни мунозара натижаси сифатида тақдим этиш ва бошқалар.

Баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этадиган ўқитувчиларнинг бир қатор ўзига хос вазифалари ҳам борки, биз қуйида улар устида тўхталамиз: 1. Гуруҳда муайян тартиб ўрнатиш ва аниқ мавзу доирасида мунозара ташкил этиш муҳитини яратиш. 2. Мунозарада асосий ўқув мақсадини ойдинлаштириш. 3. Мунозарада баён қилинган фикрларни мужассамлаштириш. 4. Турли нуқтаи назарларни ойдинлаштириш ва бир нуқтага жамлашда ўқувчиларга кўмаклашиш. 5. Муҳокама қилинадиган масалаларни ўқувчилар олдига қўйиш. 6. Мунозаранинг боришини баҳолаш.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, мунозара мавзусини танлаш ва уни ташкил этиш ўқитувчилар учун доимий тарзда қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу мақсадда ўқув жараёни учун қулайлик туғдирадиган ўқув мақсадига мос келадиган баҳс-мунозара мавзуларини танлаш ва уларни ўтказиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан биридир. Чунончи: ўқув мавзулари ва дидактик вазифаларга мос келадиган мунозара вазиятларни ташкил этиш; жамиятнинг барча аъзолари учун аҳамиятли бўлган ва замонавий талабларга мос келадиган мунозара мавзуларини танлаш; ўқитувчининг тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлган мунозара вазиятларини ташкил этиш ва ўтказиш; ўқувчиларнинг етуклиги ва тушуниш даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган баҳс-мунозаралар; муайян муаммо билан боғланган, ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган мунозаралар.

Тадқиқ этилаётган муаммонинг ечимини топиш даврида ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундашга йўналтирилган педагогик жараён модели

Ўқув мунозарасининг муҳим кўринишларидан бири гуруҳлараро ташкил этиладиган баҳс-мунозаралардир. Ўқув мунозарасининг самарали шаклларида бири, гуруҳлараро мунозара бўлиб, у ўқувчиларнинг мустақиллигини жадал ўстиради. Бунда ўқитувчи синфдаги ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлади ва аниқ мавзу атрофида мунозара қилишга чорлайди. Ҳар бир кичик гуруҳдаги ўқувчиларнинг вазифалари тақсимлаб берилади. Жумладан: гуруҳ етакчиси ўртага ташланган масаланинг муҳокамасини уюштиради ва гуруҳнинг барча аъзоларини ушбу муҳокамага жалб этади; таҳлилчи - муаммони муҳокама қилиш жараёнида гуруҳ аъзоларига саволлар беради, туғилаётган ғояларга бўлган ишончсизликни бартараф этади; қарор қабул қилувчи – муаммонинг ечимига бағишланган барча ҳолатларни қайд этади; дастлабки муҳокама яқунлангандан кейин айнан унинг ўзи сўзга чиқади ва гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг нуқтаи назарлари, фикрларини баён қилади; кузатувчи – у гуруҳнинг ҳар бир аъзоси мунозарада қандай иштирок этганлигини баҳолайди. Баҳолашда ўқитувчи томонидан белгилаб берилган мезонларга таянади.

Қуйидаги ҳолларда ўқувчиларда маҳсулдор ғоялар пайдо бўлади: агар ўқитувчи ўқувчиларга жавоблар устида ўйлаш учун муайян вақт ажратса; ноаниқ саволлар беришдан ўзини тийса; ўқувчиларнинг ҳар бир жавобига эътибор қаратса; ўқувчиларнинг фикрлаш йўналишларини ўзгартириб турса; болаларнинг изланишлари кўламини ойдинлаштирса ва уларга аниқ йўналишлар берса; ўқувчиларни ҳар томонлама чуқур фикрлашга ундаса.

Ўқитувчи оралик натижалар ҳақида хулоса қилар экан, мунозаранинг кейинги ҳолатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиши лозим: мунозара мавзуси ҳақида қисқача умумлашма фикрлар бериш, далилланган маълумотлар баённи келтириш; мунозаранинг амалга оширилган қисми ҳақида хулосалар чиқариш ва кейинги босқичда муҳокама қилинадиган масалаларни кўрсатиб ўтиш; баён қилинган барча хулосаларни мужассамлаштирган ҳолда умумий хулоса чиқариш; мавжуд дақиқагача бўлган муҳокама вазиятини таҳлил этиш.

Баҳс-мунозара вазиятларининг самарадорлиги ўқувчилар учун қизиқарли бўлишини таъминлаш мақсадида, ўқитувчи айрим қоидаларни ҳам жорий этиши мумкин. Масалан: 1. Ҳар бир фикр муайян далил билан асосланиши лозимлиги; 2. Мунозара вазиятининг ҳар бир иштирокчиси ўз фикрини баён қилиш имкониятига эга бўлиши; 3. Ҳар бир фикр, нуқтаи назар чуқур уйланган ҳолда баён этилиши; 4. Муҳокама жараёнида иштирокчиларнинг шахсиятига тегмаслик; 5. Мунозара иштирокчиларининг чиқишлари алоҳида ташкил этилиши, ҳар бир иштирокчи етакчининг руҳсати билан ўз фикрини баён этиши.

“Ўқувчилар билан ташкил этиладиган баҳс-мунозара вазиятларининг самарадорлик даражаси” деб номланган учинчи бобда баҳс-мунозара вазиятларини самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси, баҳс-мунозара вазиятларининг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили хусусида фикр юритилган.

Халқаро тажрибалар ва назарий ёндашувлар шуни кўрсатмоқдаки, мунозара вазиятининг дидактик характери иккита ўзаро алоқадор вазифада ўз ифодасини топмоқда. Чунончи: 1) Аниқ, мазмунли режа тузиш. 2) Синф ёки кичик гуруҳда ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликларини ташкил этиш.

Баҳс-мунозара вазиятларида ўқувчилар билан муҳокама жараёни орасида бир қатор ўзаро алоқадор жиҳатлар мавжуд: бошқаларни тинглаш, суҳбатдошининг далилларини чамалаш ва баҳолаш; ўз қарашлари, нуқтаи назарларини шакллантириш ва шу орқали мунозара жараёнини жонлантириш; ўқув жараёни иштирокчилари билан шахсий муносабатда ўз ҳиссиётларини тийиш кўникмасига эга бўлишлари керак.

Баҳс-мунозара вазиятларининг самарадорлигини аниқлашда бизга ўқувчилар фаолиятини кузатиш ва ўқитувчилар билан ўтказилган суҳбатлар яқиндан ёрдам берди. Бундай кузатишлар асосан тажриба тариқасида ташкил этилган баҳс-мунозара вазиятларида амалга оширилди. Улар: ўқитувчи томонидан ташкил этилган баҳс-мунозара вазиятларига ўқувчиларнинг иштирок этиш даражаси; баҳс-мунозара вазиятлари иштирокчилари хулқ-атворининг ўзига хос жиҳатлари; ўқувчиларнинг мулоқотга киришувчанлик фаолиятларининг характери; ўқувчилар ҳиссий ҳолатининг ўзига хос жиҳатлари; ўқувчиларнинг воқеликни баҳолай олиш салоҳиятлари кабилар.

1-жадвал

Ўқувчиларда баҳс-мунозара вазиятларига кириша олиш кўникмалари шаклланганлигининг самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

т/р	Мезонлар	Синфлар (ўқувчилар сон)	Самарадорлик даражаси		
			Юқори	Ўрта	Қуйи
1.	Ўқувчиларнинг муҳокама қилинадиган масалаларнинг мазмун моҳиятини англаб етганликлари	Тажриба (203)	93	80	30
		Назорат (196)	62	68	66
2.	Баҳс-мунозара вазиятларида ўзаро мулоқотга кириша олишлари	Тажриба (203)	91	79	33
		Назорат (196)	61	66	69
3.	Баҳс-мунозара вазиятларида бир-бирларининг фикрларини англаб етишлари	Тажриба (203)	92	80	31
		Назорат (196)	59	69	68
4.	Муайян мавзу доирасида аниқ ҳукмлар чиқара олишлари	Тажриба (203)	91	83	29
		Назорат (196)	60	67	69
5.	Мавзуга оид аниқ фаразлар ва ечимларни илгари сура олишлари	Тажриба (203)	89	83	31
		Назорат (196)	61	65	70
6.	Баҳс-мунозара вазиятларида гуруҳдошларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари	Тажриба (203)	91	79	33
		Назорат (196)	58	67	71
